

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 1 (1062), 2024 йил 1 январь, душанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар!
Жонажон диёримизга янги — 2024 йил кириб келмоқда.

Мана шу шукуҳли дамларда дуоғуй отахон ва онахонларимизни, меҳрибон опа-сингилларимизни, барча соҳа ва тармоқлар вакилларини, азму шижоатли ёшларимизни, чет эллардаги қадрли ватандошларимизни — кўпмиллатли бутун халқимизни ушбу қутлуг айём билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мухтарам дўстлар!
Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ютуқ ва қувончлари, ташвиш ва муаммолари ҳам бўлиши табиийдир. Аммо инсон ва халқ ақл-заковати, ҳалол меҳнати, мустаҳкам иродаси билан ҳар қандай синовлардан муносиб ўтишга қодир.

Шу маънода, 2023 йил эл-юртимиз учун қут-баракали ва омадли келди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда.

Тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик. Келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишни бошладик.

Кўплаб нуфузли анжуманларни юқори савияда ўтказдик.

Халқро майдонда муҳим ташаббусларни илгари сурдик.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришдик.

Республикамизда юқори технологик замонавий санат корхоналари, логистика ва инфратузилма тармоқлари, боғча ва мактаблар, маданият ва спорт объектлари барпо этилди. Янги-янги иш ўринлари очилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Биргаликдаги меҳнатимиз тўғрисида Янги Ўзбекистон орузси реал ҳақиқатга айланмоқда. Барча эришган ютуқларимиз учун сиз, азиз ватандошларимга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!
Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда 2024 йилни мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилдик.

Янги йилда иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтирамиз. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш эътиборимиз марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берамиз. Ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Мухтасар айтганда, янги ҳаётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Қадрли ва мухтарам ватандошларим!
Сизларни Янги йил байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, хондонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, бутун юртимиз фаровон бўлсин!

Гўзал Ватанимизни Яратганинг ўзи паноҳида асрасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбоблари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига кириб келаётган 2024 йил муносабати билан самимий табриклар йўлламоқда.

Қутловларда мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида орта қайтмас тус олган ислохотлар дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этилган. Мамлакатимизнинг прагматик ташқи сиёсати юқори самара бераётгани, бунинг натижасида юртимиз халқаро нуфузи юксалиб бораётгани таъкидланган.

Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқига фаровонлик, янги муваффақиятлар, тинчлик-осойишталик ва равақ тилакларини изҳор этмоқда.

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Янги йил байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Яқинда Москвага амалга оширган расмий таширфингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг мустаҳкамлигини тўлиқ тасдиқлади, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Келаётган йилда ҳам конструктив мулоқот ва турли соҳаларда истиқболли икки томонлама лойиҳаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни, МДХ, ШХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар

доирасидаги сайъ-ҳаракатлар мувофиқлаштирувни давом эттиришимизга ишонаман. Бу, ҳеч шубҳасиз, давлатларимиз фуқароларининг туб манфаатларига мосдир, Евроосиё маконида ҳавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мақсадларига жавоб беради.

Сизга, ҳурматли Шавкат Мирмонович, оилангиз аъзолари ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Кириб келаётган янги 2024 йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг!

Сизга соғлиқ-омонлик ва қардош Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида янги муваффақиятлар тилайман.

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозғистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Сизни кириб келаётган янги 2024 йил билан чин дилдан муборакбод этаман!

Яқунлаётган йил Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларида жадал ривожланиш йили бўлди. Учрашувларимиз натижасида келишувларга эришилди ва кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, қирғиз-ўзбек дўстлиги ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам бўлади, яқин муносабатлар ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораверади.

Биргаликдаги сайъ-ҳаракатлар билан Қирғизистон — Ўзбекистон

муносабатлари бундан буён ҳам қардош халқларимиз манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб бориши ва изчил ривожланишига ишонаман.

Хурматли Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман!

Хурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Қадрли Шавкат Мирмонович!
Кириб келаётган янги 2024 йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз!

Яқунга етётган 2023 йилда Тожикистон — Ўзбекистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида ижобий ривожланиш суръатини сақлаб қолганимизни таъкидлашдан мамнунман.

Бугун биргаликдаги изчил сайъ-ҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон муносабатлари биродар халқларимизнинг туб манфаатларига мос ҳолда ҳамкорликнинг турли соҳаларида янги амалий мазмун билан бойимокда.

Бунга кўп жиҳатдан ишончга асосланган мунтазам мулоқотимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги олий ва юқори даражадаги доимий алоқалар хизмат қилмоқда.

Бўлажак 2024 йилда Тожикистон Республикасига таширфингиз қўшни мамлакатларимиз ўртасидаги давлатлараро мулоқотларнинг конструктив ривожланишига сифат жиҳатидан янги суръат бағишлашига қатъий ишонаман.

Янги йил арафасида Сизга, ҳурматли Шавкат Мирмонович, чин кўнгилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман!

Хурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!
Кириб келаётган 2024 йил муносабати билан энг самимий ва илқ табрикларимни қабул қилинг.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва барча ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Янги йил барчамизга тинчлик, фаровонлик ва равақ олиб келсин!
Хурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти

Давоми 2-бетда

Эҳтиром ва ифтихор

ЗАМОН ҚАСРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига тўқсон йил тўлаётди. Вақт ва замон шиддат билан ўтмоқда. Бу ёруғ кунларга етиб келмоғимиз осон бўлмади. Қанча синовларни бошдан ўтказдик. Бу оғир ва мураккаб йўллар биз — адабларни тоблади, иродаимизни чиниктирди. Она Ватан, халқимизга меҳр ва садоқатимизни зиёда қилди. Келажақда учраши мумкин бўлган турли қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтишда бу ноёб тажриба, маънавий иммунитет бизга ва бизнинг муштарий-ўқувчиларимиз учун мустаҳкам замин бўлмай, иншооллоҳ.

Биз янги ўзгаришлар даврида, янги замонда яшамоқдамиз. Ғурур ва ҳайратимизни ичига яширмай шайхона солдик. Замонамиз ва халқимиз олдида бурчимиз ҳам, қарзимиз ҳам кўп. Давлатимиз раҳбари мухтарам Шавкат Мирмонович Мирзиёев бундан олти йил бурун — 2017 йилнинг 23 декабрь куни Адиблар хиебонида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, Ёзувчилар уюшмасининг янги замонавий биноси билан танишар экан, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот чоғида бу бинолар, ёдгорлик мажмуаларино шийпонлар, ҳайкаллар ва йўлақлар доимо маданият аҳли ва толиби илмлар билан гажжум бўлиши, ижод, тафаккур ва тарбия масканига айланиши кераклигини таъкидлаган эди.

Минг шукрки, бу орзу-ниятларимиз бугун амалга ошмоқда.

Элу юртимиз равақи, азиз фарзандларимизнинг бахту камоли йўлида, она Ватанимиз саодати учун фидокорона меҳнат қилиб, янги замон биносини матонат билан тиклаётган халқимизга, унинг улғу фарзандларига эҳтиром ва таҳсинлар бўлсин.

Алишер Навоий бобомиз ҳам худди шу аснода Адиблар хиебонининг баланд ва мухташам айвонидан шеърини дуо йўллаб тургандай:

**Ғарз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмагай, ё раб, заволи.
Биноедурки, шаҳ бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.**

Давоми 6-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ

2023 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ҚАНДАЙ ИЗ ҚОЛДИРДИ?

3

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ҲАЙРАТЛАР РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНДИ

ЛЕКИН БУ ҲАММАСИ ЭМАС...

4



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Сизни кириб келаётган Янги йил билан дилдан қутлайман!
Янги 2024 йил барчамиз учун саодатли, фаровон ва раванглик бўлсин!
Чуқур хурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилинг.

Яқинда етаетган йил халқро кун тартибидаги муҳим воқеаларга бой бўлди ва ҳар қандай қийинчиликларни фақат биргаликда енгиб ўтиш мумкинлигини исботлади.

Ишончим комил, келаётган йил Беларус Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашув аъёнларини мустаҳкамлайди, давлатларимизнинг турли

шакллардаги ҳамкорлигини янги салмоқли натижалар билан бойитади.

Чин юракдан Сизга, муҳтарам Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ўйлаган барча режаларингиз рўёбини, мамлакатингиз халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва барқарорлик тилайман.

Хурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларус Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Сизни кириб келаётган 2024 йил билан самимий қутлайман ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, умумий тарихий ва маданий илдишларга, қардошлиқ ришталарига қурилган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари яқунланаётган йилда ҳар томонлама ривожланиши ва юксалди. 2023 йилда Сизнинг Озарбайжонга давлат таширингиз ва иккита амалий таширингиз ҳамда менинг қардош Ўзбекистонга амалий таширим, бундан ташқари, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мулоқотларимиз ва келишувларимиз стратегик шериклигимизнинг янада чуқурлашишига, ҳамкорлигимизнинг янги мазмун билан бойишига хизмат қилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги аъёнанив дўстона муносабатлар, ҳам икки томонлама, ҳам халқро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлигимиз 2024 йилда ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кенгайиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Хурматли Шавкат Мирмонович, Сизга ва барча оила аъёларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса абадий тинчлик ва раванглик тилайман.

Хурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Кириб келаётган янги 2024 йил муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига, дўст Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг самимий табрикларим ва самимий тилакларимни йўлладан бахтиёрман.

Келгуси йил янада самарали бўлишига ишонч билдириб, умумий саъй-ҳаракатларимиз билан адолат ва тенглик устун бўлган, можаро ва низоларсиз дунёда яшайдан умидворимиз.

Барча халқлар ўртасида фаровонлик ҳукм сурадиган олам сари интилишларимиз орқали глобал тинчлик, хавфсизлик ва иқлим ўзгариши каби муаммоларга аниқ ечим топиш бизнинг умумий бурчимиздир.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, мамлакатларимизни боғлаб турувчи икки томонлама муносабатларимиз келгусида ҳам мустаҳкамланиб, янги йил халқларимиз орзу-истакларини рўёбга чиқаришимиз, юқори марраларни забт этишимизда омадли бўлади деб, умид қиламан.

Сиз Жаноби Олийларига энг эзгу тилакларимни йўллар эканман, Янги йил халқингизга тараққиёт, муваффақият ва бахт-саодат олиб келишини сўраб қоламан.

Янги йил муборак бўлсин!

Камоли эҳтиром ила,

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига кириб келаётган Янги йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Соғлиқ-омонлик, бахт-саодат ва барча яхшиликларни тилайман.

Мўғулистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 30 йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги аъёнанив дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик барқарор ривожланиб бораётгани мамнуният бағишлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, иқтисодий ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш, минтақавий

ва халқро даражадаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришда Сиз Жаноби Олийлари билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришдан мамнунман.

Хурматли Президент жаноблари, яқин дўстим, икки мамлакат муносабатларида янги тарихий саҳифа очиб учун яқин келажақда Сиз билан учрашамиз, деб умид қиламан ҳамда фурсатдан фойдаланиб, Сиз ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ, 2024 йилда муваффақият ва омад тилаб қоламан.

Чуқур хурмат билан,

Ухнаагийн ХУРЭЛСУХ,
Мўғулистон Президенти

Шуқуқ



“ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” — ЙИЛ ҚУВОНЧИ

Болаларнинг хурсандчилигида халқнинг бугунги кунидан розилиги акс этади. Байрам сайилларда болажонлар учун ўйин-қули онларини тухфа қилиш жамиятимизда эзгу қадриятга айланиб улгурган. Ана шундай қадриятлардан бири, шубҳасиз, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган, ота-оналари Ватан сарҳалларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг болалари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари иштирокида ҳар йили Янги йил байрами муносабати билан аъёнанив ўтказиб келинадиган “Президент арчаси” тадбирларидир.

Мазкур тадбирлар юқори савияда ташкил этилиб, унинг асосий тантаналари 29-30 декабрь кунлари пойтахтимиздаги “Томоша” болалар театр студиясида бўлиб ўтди. Бу ерда болажонларимизнинг Янги йил байрамда муносиб дам олиши учун “Томоша” болалар театр-студияси томонидан саҳналаштирилган “Янги йил эртаклари” номли театр томошаси намойиш этилди.

Тадбир доирасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан байрам иштирокчиларига умумий ҳисобда 11 минг дона “Президент совғаси” тайёрланди. “Президент совғаси” таркибига



Ўзбекистон Республикаси Президентининг болаларга йўлланган Янги йил байрами табриги, 17 турдаги ширинликлар, 2 номдаги канцелярия маҳсулотлари, совға солинадиган қути, смарт соат ва бошқа совғалар киритилган.

Мазкур совғалар ўтган йилнинг 25-28 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларга “Uzbekistan Airways” АЖ самолётлари ҳамда ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг кузатувлари остида махсус автотранспорт воситалари орқали етказилди.

29-30 декабрь кунлари вилоят ҳокимликлари, сектор раҳбарлари ва халқ таълими бошқармалари томонидан республиканинг барча ҳудудларида “Президент арчаси” тадбирлари ташкил қилиниб, болаларга “Президент совғаси” тарқатилиши таъминланди.

Маълум сабабларга кўра, байрам тадбирларига кела олмаган болалар учун совғалар маҳаллий ҳокимликлар, секторлар, Миллий гвардия ва вазирликнинг ҳудудий бўлиналари вакиллари томонидан уларнинг уйларида борган ҳолда тантанали тарзда топширилди.

Тадбир иштирокчиларидан бири Машрабжон Абдуғаниев Тошкент шаҳридаги 128-мактабнинг 8-синфида ўқийди.

— Мен йил бўйи энг кўп кутадиган байрам — Янги йил. Сабаби бу байрамда дўстларим билан “Президент арчаси” тадбирига келамиз. Саҳналаштирилган томошаларини завқ билан кўраман. Совғалар эса ҳақиқий сюрприз, айниқса, смарт соат менга жудама ёқди, — дейди у.

Яна бир иштирокчи Дилфуза Ҳидоятова учун ҳам бу байрам завқли бўлди.

— Ҳозир кайфиятим аъло даражада, лекин мактабни битирганимдан кейин “Президент арчаси”да қатнаша олмастимки эсласам, негадир хафа бўлиб кетяпман. Сабаби, бу тадбир мен учун ҳам жуда қадрдонга айланиб қолган, — дейди у.

Мамлакатимизда байрам шуқуқи давом этмоқда.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Хориждаги ватандошлар фикри

Янги — 2024 йил кириб келган ушбу лаҳзаларда ватандошларимиз дунёнинг турли нуқталаридан ўзларининг самимий байрам табрикларини йўлламоқда. Ватандан олисда бўлган юртдошларимиз ўз қутловларида Янги йил мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги учун янги имкониятлар олиб келишини таъкидламоқда.

2024 ЙИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЛИБ КЕЛСИН

Фарангиз НАБИЕВА,
Малайзиянинг Осие-Тинч океани технология университетининг талабаси:



— Мен Ўзбекистоннинг Куала-Лумпур шаҳридаги дипломатик ваколатхонаси томонидан Янги йил муносабати билан ўтказилган маданий тадбирда қатнашганимдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, жумладан, ёшларимизни кириб келган Янги йил билан табриклайман.

Янги йилда барчага омад, бахт ва улкан муваффақиятлар ҳамроҳ бўлсин!

Шаҳноза ВАСИҚОВА,
Люксембург бизнес-мактаби талабаси:



— Азиз юртдошлар, Сизларни Люксембург шаҳридан туриб, 2024 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Янги йил барчамизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва кутбароқ олиб келсин. 2023 йил давомида Ўзбекистонда кўплаб ислохотлар ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдум бўлиб ўтди. Референдум ўзбекистонликлар учун кўплаб ижобий натижалар олиб келди. Кириб келган Янги йил барчамизга муборак бўлсин.

Фаёз АХМЕДОВ,
Хитойнинг Марказий миллатлар университети талабаси:



— Янги йил билан барча юртдошларимизни чин қалбимдан табриклайман.

2023 йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Биз, Хитойда бўлиб турган ватандошлар буларни нафақат кузатиб турдик, балки фаол иштирокчисига ҳам айландик. Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича ўтказилган тарихий референдум ва муддатидан илгари Президент сайловида иштирок этиб, ўз овозимизни бердик.

Ортимиздаги ҳар бир ўзгариш ва янгиланиш бизнинг ҳаётимизга ҳам ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ватанимиз номи дунё миқёсида баланд жаранламоқда, хур байроғимиз эса юксакларга кўтарилмоқда. Бу биз, ёшларни жуда қувонтиради ва эртанги фаровон ҳаёт учун янада шиддатли ва жўшқин ҳаракат қилишга ундайди.

Янги йилда Ватанимиз янада гуллаб-яшнашини, мамлакатимиз ўз олдига қўйган юксак мақсадларига эришишини тилаб қоламан.

“Дунё” АА

БИЗ ВА ДУНЁ

Ўзбекистон халқаро майдонда изчил, очиқ ва прагматик ташқи сиёсий фаолият юритиб, Марказий Осиё давлатлари ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини жадал ривожлантирмоқда. 2023 йил ҳам бу борада аҳамиятли бўлди. Йил давомида Президентимиз бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан иборат делегациялар билан муҳим учрашувлар ўтказди. Узоқ ва яқин давлатларга расмий ташрифлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ва хорижда ташкил этилган саммитлар ва нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этди.

Ташқи сиёсий фаолият йўналишида бир қатор юқори даражадаги ҳамда идоралараро ташрифлар, учрашувлар ва онлайн-мулоқотлар ўтказилди. Шунингдек, парламентларо дипломатия йўналишида хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар даражасидаги ташриф ва учрашувлар ташкил этилди.

Ушбу муҳим сиёсий жараёнлар халқаро алоқалар ривожини, глобал муаммолар ечимини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юртимиз тараққиётини юксалтиришда қандай ўрин тутди? Сиёсатшунослар, олимлар ва экспертларнинг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.



КЎПВЕКТОРЛИККА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР

Шавкат ИКРОМОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори:

— 2023 йил мамлакатимиз ташқи сиёсатида кўп-лаб муҳим воқеаларга бой бўлди. Бу жараёнда “Марказий Осиё +” мулоқот форматидagi халқаро муносабатларни алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур мулоқот формати орасида 2023 йилда биринчи мартаба бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг саммити алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон ушбу минтақа давлатлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш билан кўп векторликка асосланган ташқи сиёсат йўлида собит эканини яна бир қарра намоеён этди.

Ўзбекистоннинг ушбу минтақа давлатлари билан ҳамкорлик муносабатлари 2016 йилдан кейин ривожланиш босқичига ўтди. Шу даврдан бошлаб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, айниқса, инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2023 йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этган Президентимиз бу хусусда тўхталиб, Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ эканини, яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва анъаналар, муқаддас ислом динимиз уларнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади. Мовароуннахр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккирларимизнинг беқиёс хизмати борлиги қайд этилди. Бугунги хавф-хатарларга қарамай, иккала минтақа



ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт мақоми бўлиб келаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда Кўрфаз мамлакатларининг етакчи компания ва банклари юртимизда амалга ошираётган умумий лойиҳалар портфели 20 миллиард доллардан ошгани бунинг исботидир. Хусусан, ACWA Power, Masdar, Mubadala, TACA, Nebras Power каби компаниялар юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари барпо этиш ҳамда энергияни сақлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Дунёнинг 40 дан ортиқ давлатида “яшил” энергетика соҳасига доир турли ташаббусларда иштирок этиб келаётган Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси мамлакатимизда йирик тўртта лойиҳани якунлади. 2023 йил 27 декабрь куни қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди.

Тарихан бизга яқин ва муштарак бўлган араб давлатлари жойлашган Яқин Шарқ минтақасидаги бугунги вазият бутун тинчликпарвар инсоният қатори бизни ҳам ташвишлантирмай қўймайди. Ўзбекистон бу борада томонларни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, мурося йўлини танлашга чақириб келади. Ташқи сиёсатимиздаги ушбу муҳим қадамлар мамлакатимизнинг халқаро майдонда очиқ, ишончли ва ташаббускор давлат сифатидаги мақоми ва ўрнини намоеён этади.

2023 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ҚАНДАЙ ИЗ ҚОЛДИРДИ?



МИНТАҚАДА ТЎПЛАНИБ ҚОЛГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТАЁТГАН ШАХС

Гўзал САЪДИЕВА, Президент хузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори:



— Президентимиз 2023 йилда 30 га яқин ташриф билан 18 мамлакатга борди, бир қанча давлатларга 2-3 мартадан ташриф буюрди. Жумладан, Россия, Озарбайжон, Қирғизистонга 3 марта, Туркия, Германия каби давлатларга 2 марта ташрифни амалга оширди.

Ҳар бир ташриф мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга масалаларга бағишланди. Мамлакатимиз бир қанча йирик халқаро тадбирлар, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши кабиларга мезбонлик қилди.

Шунингдек, 2023 йилда Франция, Италия, Сингапур давлатлари президентлари ва Қатар Амири мамлакатимизга расмий ташриф билан келди. Тошкентда 8-9 ноябрда ИХТ 16-саммити доирасида Озарбайжон, Покистон, Туркия, Эрон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби иштироки давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари юртимизга ташриф буюрди. Унда Президентимиз Марказий Осиё минтақаси савдо-иқтисодий, саноят, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга эканини таъкидлаб, бир қанча ташаббусларни илари сурди.

Минтақа учун муҳим аҳамият касб этувчи “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” ва трансфрон мултимода йўлларининг ишга туширилиши, ташкилот доирасида алоҳида Энергетика вазирлари кенгашини тасис этиш, Экология масалалари бўйича юқори

даражадаги платформа яратиш, Трансчегаравий йўналишлар тобора оммалашаётганини ҳисобга олиб, қўшма туристик йўналишлар жорий этиш ҳамда “Ипак йўли” сайёҳлик бренди остида умумий сайёҳлик дастурларини кўпайтириш, Афғонистонни минтақавий интеграция жараёнларига фаол жалб этиш каби ташаббуслар шулар жумласидан. Ушбу ташаббуслар минтақа мамлакатларини бир мақсад атрофида бирлаштириш, яқин кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақада мавжуд муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорларни жалб этишга ундайди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, айни йўналишдаги ишлар сарҳисоб қилиниб, халқаро экспертлар томонида Президентимиз Шавкат Мирзиёев “минтақада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этаётган шахс” сифатида баҳоланаётганини эътиборга молик. Бу олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг салмоқли ўрни борлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, 2023 йилда давлатимиз раҳбари бир эмас, иккита олий даражадаги мукофотга сазовор бўлди — МДХ Фахрий нишони ҳамда “Туркий дунёнинг олий ордени”.

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАЙДИ

Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси:



— 2023 йил мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий тадбирлардан бири 30 апрелда янги тахрирдаги Конституцияни умумхалқ овози билан қабул қилиш юзасидан ўтказилган референдум. Иккинчиси 9 июлдаги Президент сайлови. Ушбу муҳим сиёсий тадбирлар нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам катта акс садо берди. Бу тадбирларни кузатиш учун дунёнинг турли минтақаларидан етакчи олимлар, экспертлар қаторида турли давлатлар парламенти аъзолари ҳам ташриф буюрди.

Айтиш керакки, сайёрамизда рўй бераётган глобал ўзгаришлар даврида давлатларнинг ва халқаро муносабатларини мустаҳкамлашда парламент дипломатиясининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, бу — дунё мамлакатлари ўртасидаги ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди, муаммоларга мurosали ечим топиш, низоларнинг олдини олишга хизмат қилади, халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини шакллантиради ва такомиллаштиради. Парламент дипломатияси концепциясида бу борада фаолиятимизнинг устувор йўналишлари белгиланган ва шу асосида изчил иш олиб боришмоқда.

Парламентлараро алоқаларни ривожлантиришда асосий эътиборни фракциялар ва қўмиталар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик ташаббусларини кучайтиришга қаратилган. Бу борада илгор тажрибага эга давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. 2023 йилда бу алоқаларни ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатлар парламентлари, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари, халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларидан иборат 65 та чет эл делегациясини қабул қилдик. Алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Сингапур парламенти ва Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ тузилди.

Ҳамкорлик доирасида жорий йил Қозғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошанов бошчилигидаги деле-

гация юртимизга ташриф буюрди. Улар иштирокчида конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашувда Ўзбекистон — Қозғистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлган парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш ҳар томонлама фойдали экани қайд этилди. Самимий руҳда ўтган учрашувда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишиб олинди. Айни пайтда бу келишувлар бўйича изчил иш олиб бориляпти. Хусусан, бу йил давлатларимиз ўртасида иттифокчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилдик.

Қирғиз Республикаси парламенти билан ҳам худди шундай яқин ва дўстона ҳамкорлик йўлга қўйилган ва бу жараён давлатларимиз, халқларимиз ўртасида қон-қардошлик алоқаларини ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Умуман олганда, 2023 йил парламентлараро алоқалар соҳасида ҳам ўзига хос муҳим воқеаларга бой бўлди. Бу анъаналар келгусида изчил давом эттирилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА эътибор билан.

ҚИТЪАЛАРАРО АКС САДО

Фарҳод ТОЛИПОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори:



— 2023 йилда ҳам бундай сиёсий жараёнлар изчил давом эттирилди ва ўзаро алоқаларнинг янги босқичига қадам қўйилди. Бу хусусда сўз борганда, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига ташриф дастурига алоҳида тўхталиш жоиз. Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидagi биринчи саммитида ҳам иштирок этди. Учрашув кун тартибига мурофий, савдо-иқтисодий шерикликни кенгайтириш истиқболлари, “яшил” тараққиёт, энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, минтақавий хавфсизлик, терроризм ва трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Минтақа мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг 32-йиллик йиғилиши кабиларга мезбонлик қилди.

шерикликни кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди. Бу нафақат юртимиз, балки минтақамиз ривожига ўз натижасини беради.

Минтақавий ҳамкорлик билан бир қаторда, икки томонлама алоқалар ривожига ҳам урғу берилди. АҚШ Ўзбекистон билан савдо-инвестициявий фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу иқтисодий-иқтисодий ривожини ва халқимиз турмуш даражасини яхшилаш учун катта имкониятдир. Шу боис, бу йўналишдаги алоқалар ривожини барча учун манфаатли.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ва Германия муносабатларига алоҳида тўхталиш жоиз. Айтиш керакки, жаҳон иқтисодиётининг турли соҳа ва жабҳаларида етакчи давлатлардан бири — Германия Ўзбекистоннинг Европадаги истиқболли, ишончли савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Кейинги йилларда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатлар ривожланиб борапти. Қўшма лойиҳа ва корхоналар сони икки баробар кўпайди.

2023 йилда Президентимиз Германияга икки марта ташриф буюрди. Сентябрь ойда бўлиб ўтган иккинчи амалий ташриф нафақат юртимиз, балки минтақамиз учун ҳам аҳамиятли сиёсий тадбир бўлди. Бу тадбирда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ҳам қатнашди. Ташриф доирасида

Сарҳисоб

ЭРТАМИЗ БУТУНИМИЗДАН гўзал бўлгай

Ҳар бир дақиқа — янги қадам, янги имкон. Вақтдан унумли фойдаланиш, эзгу ва хайрли ишларга сарфлаш муваффақиятларга йўл демасдир. Кечанига қалбимизда умид ва эзгу ниятлар билан янги йилни кутиб олгандик, кўз очиб юмгунча йил тугаб, ортимизда вақт билан бирга қўлга киритилган ютуқлар, бой берилган имконлар қолмоқда. Бу вақтни нималарга сарфладик? Ўтган йили ўз олдимишга қўйган қандай мақсадларимизга эришдик? Янги йилдан нималарни кутамиз? Соат миллари янги йил сари оғиб бораркан, ўз-ўзимизга берадиган саволларимиз мўл.

— 2023 йилда сизга Ўзбекистон халқ шоири унвони берилди. Демакки, 2023 йил сиз учун ҳам ҳаётининг, ҳам ижодий жиҳатдан эса қоларли йил бўлди. Халқ шоири бўлишининг яхши, шунингдек, масъулиятли жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз. 2024 йилда сиздан қандай ижодий янгилликлар кутамиз?



Абдулла ШЕР,
Ўзбекистон халқ шоири:

Замонамиз қахрамонлари бадий қиёфасини яратмоқчиман

Ҳар икки воқелик ҳам аини пайтда инсон сифатида менга катта масъулият юклайди. Мен эзгулик, гўзаллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳақида яхши асарлар ёзишим, замонамиз қахрамонининг ҳаққоний бадий қиёфаларини яратишим керак, йирик ишларимни охирига етказишим лозим.

Шунингдек, Худо хоҳласа, китобхонларимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништиришда, фалсафий-ахлоқий, фалсафий-эстетик асарлар яратишда давом этаман.

— 2023 йил ҳақиқатан ҳам қувончларга бой бўлди. Янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилинди ва унда давлат, жамият, инсон тизимида халқ омили биринчи ўринга чиқди. Бу жуда қувончли. Иккинчидан, менга Ўзбекистон халқ шоири унвони берилди. Бу ҳам мен учун, шубҳасиз, муҳим тарихий воқеа.



— Жамоатчилик орасида энг кўп муҳокамага сабаб бўлувчи шахслардан бири сиз. Баъзи қарашларингиз танқидларга сабаб бўлса, айримлари қўллаб-қувватланади. Саволимиз эса қуйидагича: ортда қолган 2023 йилда халқимизнинг сиёсий саводхонлиги қанчалик ўсди, деб ўйлайсиз?

Алишер ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси раиси:

Фикрлашнинг давом этгани яхши

Шу ўринда танқид сиёсатчи учун дарахтга сув қандай зарур бўлса, худди шундай зарур. Ҳар ижтимоий муҳокама умумий ҳулосаларга замин ҳозирлайди.

Жамият тафаккуридаги ўзгаришларни кўрмоқчи бўлсак, ортга қарашимиз керак. 20 йил аввал жамиятимиз қандай, муҳокамадаги мавзулар, муносабат ва муаммолар нималардан иборат эди? 10 йил аввал-чи? Шу таққослашларнинг

ўзи ўзгаришларни яққол кўрсатиб турибди.

Жамиятимизнинг тафаккури теранлашиб, миллат ва давлат сифатида улғайганимизни сезмаслик мумкин эмас. Ишончманки, кириб келган 2024 йил ҳам ана шу юксалишнинг узвий давоми бўлади.

— Агар фикрларимиз муҳокамага сабаб бўлаётган бўлса, демак, одамлар бизни эшитяпти, кўряпти. Кимгадир тўғри, кимгадир нотўғри, лекин фикрлашнинг давом этгани яхши.

Нотўғри қарашлар тўғри қарашларни саралашга ёрдам беради.

— Спортчи сифатида 2023 йил сиз учун зафарларга бой бўлди. Қатор мусобақаларда голибликни қўлга киритиб, эътирофлар марказида бўлдингиз. Эски йилдан ҳулосалар ҳамда янги йилдан кутаётганларингиз...

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган спортчи:

Онамнинг дуоси асрайди мени

— Спорт соҳасида эришган муваффақиятларимнинг барчаси, аввало, Яратгандан, туну кун бахту омадимни сўраб илтижо қилаётган онамнинг дуолиридан ва имкониятлар эшигини кенг очиб бераётган эътибор ва ғамхўрлик натижасидандир.

Ҳар бир инсон янги йилни яхшиликлар, эзгу ниятлар билан қарши олади. 2023 йилнинг сўнгги ойи шахсий ҳаётимга яна бир ажойиб тақдир туҳфасини инъом этди. Янги йил арафасида оила деб аталмиш кўргон остонасига қадам қўйдим,

бахтим бутун бўлди, онамнинг келин олиш нияти рўёбга чиқди. Худо хоҳласа, жуфти ҳалолим умрим нақши ва ҳаётимнинг ҳаловатли бекаси бўлади.

Кириб келган янги йил ҳаётининг бизга берган беназир инъоми, эзгу мақсадларимизни амалга оширишимиз учун яна бир имкон. Илоҳим, 2024 йил барчамизга омадли, хайрли ва бахтли лаҳзаларга бой келсин! Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлиб, барча орзуларимиз ушалсин!



ИЗҲОР

Зулфия МҶМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими, шоира

Янги Ўзбекистон, янги йил кутлуғ!

Эски йил, биз сендан миннатдор бўлдик, Юксалдик, янада сервадор бўлдик. Йўлларда чинчилик, улусвор бўлдик, Ортга қайтмас бўлдик, арслонвор бўлдик, Янги Ўзбекистон, янги йил кутлуғ!

Янги олийгоҳлар, янги мактаблар, Кўнглидаги тоғлар, қоялар янги. Янги иштиролар, янги китоблар, Ғалабалар янги, гоғлар янги. Янги Ўзбекистон, янги йил кутлуғ!

Бизни тонлар қутар, турмасак бўлмас, Халқ бўлиб Ҳақ томон юрмасак бўлмас. Эскилик учида яшил бўлмайди, Барчасин янгидан қурмасак бўлмас. Янги Ўзбекистон, янги йил кутлуғ!

Жаннатдек нур сочди яқин-йироқлар, Янги қишлоқларда бахтиёр бўлдик. Ўзбекмиз бекардек яшагача ҳақли, Янги шаҳарларда шаҳриёр бўлдик. Янги Ўзбекистон, янги йил кутлуғ!

Сен олар нафасим, жон ичра жоним, Яшил маконимсан, сазборимсан, Сенинг пойинг менинг тахтиравоним, Севгига, саждага сазоворимсан. Янги Ўзбекистон, янги йил кутлуғ!

Келажагимиз эгалари

ҚАЛБНИ ЁРИТИШНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Фарғоналик ёш дастурчи Муҳаммадқодир Абдувоитовнинг брайль алифбосини таржима қиладиган мобил илова дастури Океан орти мамлакатларига 150 минг долларга сотилди.

Бу бежиз эмас. “Braille Recognition” — инновацион мобил иловаси кўзи оғир ва заиф кўрувчи шахсларнинг қариндошлари, ўқитувчилар, шунингдек, бу алифбо билан ишловчи ҳар бир киши учун мўлжалланган. Илова телефон камераси билан олинган тасвирлардаги брайль ҳарфларини таниб олиш ва уларни автоматик равишда оддий матнга таржима қилиб бериш хусусиятига эга. Унинг тасвирдаги ҳарфларни таниб олиш учун кучли алгоритмлар билан жиҳозланган белгиларни юқори аниқликда таниш имкониятини беради. Шу билан бирга, таниб олинган белгиларни фойдаланувчи танлаган тилга таржима қилади. Фойдаланувчи таржима қилинган матни телефон экранда кўриши ёки овоз синтезатори ёрдамида тинглаши ҳам мумкин. Бу кераклик маълумотлардан тезкор фойдаланишда ўзига хос қўлайликлар яратади. Мазкур илова брайль ҳарфларини таниб олиш билан бирга, етти тилга таржима қилиш имкониятига ҳам эга.

Дарҳақиқат, компьютер деган мўъжиза пайдо бўлди-ю, унга монанд дастурчилик илми ҳам дунёга келди. Виртуал оламда устувор бўлиб бораётган дастурчилик дунё миқёсида юксак эътироф этилаётган, келажаги порлоқ, шу билан бирга, яхшигина даромадли касбга айланган улгурди. У XXI аснинг энг жадал ривожланаётган технология йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, IT мутахассисларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Албатта, ютуқ ва муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди. Муҳаммадқодирнинг яхши дастурчи бўлиб етишишида, аввало, оилавий муҳит, мактаб, олий таълим йўналишларида олган билимлари, рус ва инглиз тилларини яхши билиши муҳим омил бўлди. Бу жиҳатлар ёш дастурчи ҳаёт тарзини ўзгартирди, янги мақсад ва марралар сари руҳлантирди.

— Ҳануз эсимда. Еттинчи синфда ўқиётган кезларимда фотошопда ишлашни ўргандим. Уша



пайтлар келажақда дастурчи бўлиб, турли платформалар яратиш ҳаёлимга ҳам келмаган. Кейинги машғулотларда интернет сайтларнинг қарига ва қандай суратларни жойлаштириш, чизши каби жараёнларни ўргандик. Бу менга ёқиб қолди. Секунда бошқа дастурларни ҳам ўрганишга киришдик. Мактаб йилларида информатика фанидан билимлар бешлашувчи, юқори синфда эса фан олимпиадаларида қатнашиб, икки бор вилоят голиблик сифатида республика босқичида қатнашдик. “Юрт келажаги” республика кўрик-танловида “Ўзбек тилида дастурлаш” йўналишида иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритдик. Илк мартаба

мактабимизда устозлар учун сайт яратиш, кўпнинг эътирофи ва эътиборига тушганман.

Ёш дастурчининг IT соҳасига бўлган қизиқиши уни Россиянинг Шимолий Кавказ федерал университети томон етаклади ва синовлардан муваффақиятли ўтиб, грант асосида ўқишга қабул қилинди. Бу ерда ҳам ўз мақсади сари интилди, билимларини мустаҳкамлаб борди. Талаблик даврида университетнинг ўқув платформаси сайт кўринишида бўлгани ва бу ҳолат талабалар учун қатор мураккаблик ва ноқўлайлик туғдирар эди. Муҳаммадқодир шу платформани осон ва қўлай кўринишга келтириш йўлида изланди ва кўп ўтмай, айнан шу платформанинг мобил версиясини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур платформадан бугунги кунда ҳам университетда самарали фойдаланилмоқда.

— Университетда ўқиб юрган вақтларимда суний интеллект соҳаси энди ривожланаётган эди, — дейди Муҳаммадқодир. — Шу боис, бу соҳани пухта ўрганиб, келгусида одамларга, жамиятга фойдаси тегиши мумкин бўлган нимадир ихтиро қилиш керак, деган фикрга келдим ва брайль алифбосини оддий алифбога таржима қилиш лойиҳасини ишлаб чиқдим. Сабаби, дунёда брайль алифбоси бошқа тилларга таржима қилинмаган. Шунинг учун мазкур йўналишни танладим. Илова оддий ва қўлай бўлгани боис, ундан фойдаланиш осон. Уни турли хил операцияларда эга смартфон ва планшетларга ҳам ўрнатса бўлади.

“Braille Recognition” иловасининг энг фойдаланувчиси бўлиб кўзи оғир болаларнинг ота-оналари учун уй вазифасини бажариш ва улар ўқув жараёнини қўллаб-қувватлашда ажралмас восита бўлиб хизмат қилади. Кўзи оғир болаларнинг ота-оналари брайль алифбосида ёзилган дарсликлар, қўшимча мақола ва топшириқлар каби ўқув материалларини осон таржима қилиш учун фойдаланиши мумкин. Бу ота-оналарга фарзандни нимани ўрганаётганидан доимий хабардор бўлиш ва ўқув материални тушунишда қўлайлик яратади.

Бундан ташқари, брайль алифбосида тақдим этилган уй вазифалари ва тестларни текширишни осонлаштиради. Илова педагогларга ўз ўқувчиларининг ютуқларини тезда баҳолаш ва фикр билдириш имконини ҳам беради. Унинг яна бир фойдали жиҳати — брайль ёзувини билмайдиган ўқитувчилар ҳам кўзи оғир болаларга дарс ўттиши мумкин бўлади. Бу имконияти чекланган инсонларнинг таълим олишларини янада осонлаштиришга хизмат қилади.

Алишер ШОКИРОВ,
журналист

Ёшлар етакчиси

КУЧ ВА ТАЯНЧ

Лайло МЕНГТЎРАЕВА,
Термиз шаҳар “Бозор” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси

Ҳаётимга разм солиб, бахтлиман, дейман ўзимга-ўзим. Бу сўз мудом қалбимда жаранглайди. Боиси, болалиқдан қизиқувчан ва интилувчанлигим туфайли бирор-бир мақсадни олдимга қўяр эканман, не бахтки, ишларим доим ўнгидан келади. Бунинг замирида юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, рағбат ва қўмак мужассам эканини эса чин қалбимдан ҳис этаман.

Ўзбекистон том маънода бахтиёр ёшлар мамлақати. Бунга сира шубҳа йўқ. Айниқса, давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлагани бизни янги марра ва мақсадлар сари ундамоқда.

Ўзим учун яқунланган йилни сарҳисоб қиларканман, нафақат бу йил, балки йиллар давомида эришяётган ютуқларимнинг қўламини ва мазмунини тобора ортиб бораётганидан беҳад қувонаман, албатта.

Ўқувчилгимда ҳам, Термиз давлат университетини тахсил олиш даврида ҳам доимо фаол ва илгорлар сафида эдим. Университетни муваффақиятли тамомладим, 2019 йилда Президент ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясини тингловчи бўлдим. Йиллар давомида устозлардан олган сабогим иш фаолиятимда қўл кела бошлади. Гарчи, 5 йил ёшлар ташкилотиди ишлаган бўлсам-да, 2022 йилда Термиз шаҳридаги “Бозор” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси сифатида иш бошлашим билан оқибатда ўз олдимишга мақсадларни белгилаб олдим. Маҳалламиз аҳолисининг 30 фоизини 14-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг пухта билим олиши, ўз

интеллектуал салоҳиятини ошириши, шунингдек, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш режаларини ишлаб чиқдим. Жумладан, ёшларни китобхонликка тарғиб қилиш, касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорлик гояларини қўллаб-қувватлаш, оммавий спорт тўғрақларига жалб этиш бўйича ҳаракатларимизни фаоллаштирдик. Чунки ёшлар маънан баркамол бўлиб, ўз олдига аниқ мақсад қўйса, катта кучга, Ватан таянчига айлана олади.

Натижалар бизни узоқ куттирмади. “Беш ташаббус олимпиадаси” 1-мавсумида маҳалламиз ёшлари спортнинг “Street workout” тури бўйича республикада 2-ўринни эгаллади. “Бир нурунийга ўн нафар ёш” лойиҳасида мамлакат миқёсида голибликни қўлга киритди. Бу ютуқларимиз эвазига маҳалламиз ҳудудда янги спорт майдончаси ва кутубхона барпо этилгани бизни беҳад қувонтирди.

Ўтган йилда ютуқларимиз бардавом бўлиб, “Беш ташаббус олимпиадаси” 2-мавсумида маҳалламиз ёшлари спортнинг “Гимнастрада” тури бўйича республика босқичида муваффақиятли қатнашиб баробарида мазкур олимпиада доирасида



спортнинг пара-шахмат туридан 1-ўринни эгаллади. 50 нафар ёшга “Ёшлар дафтари” жамғармаси орқали қўмак беришга эришилди. “Ибрат фарзандлари” лойиҳасида инглиз тили сертификатини қўлга киритганим, шунингдек, Туркия давлатида бўлиб ўтган “Истанбул — Туркий дунё ёшлари пойтахти” форумида қатнашиб келганим хотирамда унутилмас лаҳзалар бўлиб муҳрланди.

Кўпчилик мендан бундай ижобий натижаларга қандай эришасиз, деб сўрайди. Мен ёшлар етакчиси-ни давлат ва халқ ўртасидаги кўп-риққа ўхшатаман. Шахсан ўзим шу иборатга содиқ қолган ҳолда, ёшлар ҳаётига оид муҳим ҳуқуқий ҳужжатларни, ислохотлар мазмунини содда ва халқчил тарзда тарғиб қилишга астойдил интиламан. Бу борадаги амалий ишларим туфайли яқинда ўтказилган “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловида голибликка эришиб, 25 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирландим. Бу эса мени янада фаол ишлашга, ёшларни эзгуликка, порлоқ келажагимиз сари етаклашга катта куч бағишлайди.



Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, эзгу ғояларни тараннум этишда ўзбек адабиёти ҳамиша мустақкам замин бўлиб келган ва ишонаманки, доимо шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЗАМОН ҚАСРИ



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Бошланиши 1-бетда

I

Ўз-ўзидан бино бўлмас замон қасри,
Замон қасри — асли орзу-армон қасри.

Юрт эгасин ҳимматидан бунёд бўлган,
Меҳнати ҳам заҳматидан бунёд бўлган —

Бир қасрким, йўқ эмиш ҳеч андозаси,
Кетмиш етти иқлимларга овозаси.

Ёш кўнгиллар суруридай оқ девори,
Зоминлардан бошлангандир пойдевори.

Қаср дедим, ғалат қилдим, обида бу,
Она юртининг кенг ва мўл даргоҳида бу.

Қалам аҳлини чеккан ранжу азияти,
Асрий орзу-армонларини ҳам нияти —

Рўёбидай пойтахт аро ҳад ростламиш,
Элнинг давру давронидай қад ростламиш.

Чор-атрофи — гир хиёбон, боғу гулзор,
Миллий бог бу, яъни обод бир чаманзор.

Ҳар тонг қутлуғ саломини бобо куёш,
Аввал Ҳазрат Навоийга айлар нурлош.

Мир Алишер бобо ўзи саркор бўлиб,
Ҳар сония, ҳар соатда даркор бўлиб,

Янги замон халқини олқишламоқда,
Бу бинолар, бу хиёбонлар ишламоқда.

II

Келбадида буюк Амир Темурни кўр,
Юртга қайтган шоҳ ва шоир Бобурни кўр.

Ҳақ тутқазмиш қайтадан қалам-хомасин,
Ёзмоқда шай янгитдан “Бобурнома” син.

Сиздан ризо авлодлардан бўлинг ризо,
Юртингизга хуш келибсиз, Бобур Мирзо!

Айтмангизким, тасодиф ё ногаҳийдир,
Барча ишдан огоҳ бобо Огаҳийдир.

Бу — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуқрат,
“Фигонким...” деб чекмиш қанча ранжу гурбат.

Ёрқентларда қолмиш оху афгонлари,
Мана, охир ушалмишдир армонлари.

Тўзғиб кетган зотлар шунда бирлашмоқда,
Бу сиймолар, бу даҳолар ишламоқда.

III

Адабиёт деса миллат Раҳнамоси,
Адабиёт — миллатнинг зафарномаси.

Даҳоларни қодир Оллоҳ ўзи сийлар,
Қайтиб келмиш Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар.

Авлонийлар алвон-алвон сўзлар айтиб,
Келмиш гўё ҳозиргина тирик қайтиб.



Ҳайкалларга жон кириб, жўш ургандайин,
Гўё янги ҳаёт бошлаб тургандайин...

Биз бир зум ҳам тарихдан кўз ююлмаймиз,
Кечмишни ҳам қаро ерга кўюлмаймиз.

Қаттол тузумлардан ўтган улуг зотлар,
Юрак-бағри жароҳатга тўлуг зотлар —

Устозларнинг номларини пок сақлаб, омон,
Авлодларга етказишдир янги замон.

Бу замоннинг бошдан-оёқ ўзи жаҳид,
Бош меъморини ўзи жаҳид, сўзи жаҳид.

Ким бармоғин, ким тирноғин тишламоқда,
Янги давру янги замон ишламоқда.

IV

Асрларнинг сочларини оқартирган,
Манов Ойбек домла эрур боқиб турган.

Ғафур Гулом шунда, Ҳамид Олимжон ҳам,
Қаҳҳор домла йўнар гўё янги қалам.

Очилгандай бўлар шу он қулфи диллар,
“Бу боғлар...” деб фахр этса ёш Зулфиялар.

Ҳавас айлар ҳар ўғил-қиз озодага,
Савол беринг домла Мақсуд Шайхзодага.

Тўрғайзорлар ҳавосининг кайвониси,
Бердақ бобо навосида найсон иси.

Кўш ёнида Иброҳим ҳам Тўлепберген,
Қорақалпоқ элин бахтин тилаб турган.

Атрофида тинглашга шай ғўжгон ёшлар,
Озод домла гўё ҳозир гурунғ бошлар.

Не ҳам дердик Саид Аҳмад - Саидага,
Амал қилиб бор одоб, бор қондага —

Ўлтирибсиз бир оила армон бўлиб,
Бир-бирингиз дардингизга дармон бўлиб.

Шу мўътабар, шу табарруқ ёшларида,
Қирғон босган манглайлари, қошларида —

Келажакнинг фикрлари қишламоқда,
Ҳар бир сурат, ҳар бир ҳайкал ишламоқда.

Дилдан тиклаб, мен матонат кўргонини,
Дилдан битдим шаъну шараф дostonини.

Зўр шоирлар шеър ишқиде Мажнундирлар,
Устоз Эркин Вохид бундан мамнундирлар.

Ким муҳтождир маърифат ҳам маорифга,
Келсин ҳар кун устод Абдулла Орифга.

Яна бири толмас Саша Файнбергдир,
Шафқат қилмас, лек мисоли қайинбардир.

Шоир Муҳаммад Юсуф бор, Муҳаммаджон,
Усиз тўқис бўлмас бу боғ, бу хиёбон.

V

Бобораҳим Машрабнинг мен суратига
Қарайману, лол бўлгум Вақт суръатига.

Дунё ўтар, не-не ҳою ҳавас ўтар,
Эл қолгай, деб, тил қолгай, деб Аваз ўтар,

Айлантириб турар мамнун чўғирмагин,
Кўрмиш охир ўз миллатини кўкармагин.

Бир замонлар Усмонлари қон тулпурган,
Адабиёт маввосида қон гуптурган —

Бу Миртемир домла эрур — қонлар ютган,
Ўзбекистон тонларини бедор кутган...

Оғир замонлардан келмиш Шароф ота,
Доим эл-юрт, ҳамиша халқ тараф ота.

Битта ўзи не ҳам қила олар эди?
Адабиёт ўйлар эди, толлар эди...

Бобурийлар тарихини маёқ этиб,
Ҳинд мулкани кезиб келмиш сўроқ этиб.

Бобур Мирзо мавзусида у яктодир —
Илк бор роман битган Пиримуқул Қодир.

Бобур деса, дуч келмиш кўп надоматга,
Асар ёзиб, адиб қолмиш маломатга.

Одил ака — урушлардан безган адиб,
Улугбекнинг ҳазинасини топмиш ажиб.

Бу ҳазина фақат қадр билмаганди,
Чин эгаси унинг ҳали келмаганди.

Бир бинода неча авлод айлар гуфтор,
Танҳо эмас бунда асло Асқад Мухтор.

Мунгилуғ боқар қаттол давр босимлари
Остидан не-не Мирқарим Осимлари.

Адабиёт қонуни бу — элга дохил,
Абадият қонуни, дер Низом Комил.

Ошно бўлмай етти ёт эл, беғоналар,
Таржумонлар керак бизга, таржумонлар.

“Адабиёт ўладими?..” дебон ҳамоно,
Шукур ака ўйлаётир неча замоно.

Ўн саккизга кирмаган йўқ сафингизда,
Ўн саккиз минг баҳорлар бор қалбингизда.

“Одам бўлиш қийин” деган қиссалар бор,
Бу қиссадан биз чиқарган ҳиссалар бор.

Машраб ака, замонавий Машраб Бобо,
“Кўнгил кўчаларини” кезмиш роса, аммо,

Ёшлиқдаги шод чоғлардай қулиб турар,
Ич-ичи лек қонли сўзга тўлиб турар.

Носир Фозил билан Анвар Обиджонлар,
Сўз кемириб, умрини садқа қилган жонлар,

Адабиёт деса, молу дунё бекор —
Юрак-бағри тилка-тилка бўлганлар бор.

Панду ҳикмат — бу менинг ҳам масалимдир,
Ҳикмат айтиб турган Садриддин Салимдир.

Бу дунёда эл-юртдан зўр ҳикмат бўлмас,
Эл-юртнинг сўзи сўнмас, сўзи ўлмас!

Қаранг шоду хуррам Тўра Сулаймонни,
Куй-қўшиққа тўлдиргудай кенг жаҳонни —

“Баҳор кетма...” деб бўзлаган, Тўра ака,
Наздингизда биз ҳали ҳам гўра, ака.

Шеърятга қанча бую ифтор келмиш,
Боғингизга кетмас бўлиб баҳор келмиш.

Хазон босмас Адабиёт бўстонини,
Ҳис қилгайсан ўтганларнинг армонини —

Тақдир ҳукми тирқиратган устозларим,
Ўз мулкда мусофиру мумтозларим,

Суратлардан боқиб турар қатор-қатор,
Бир-бирига хайрихоҳдир ҳам миннатдор.

Барчалари бир манзилда тизилмишлар,
Саргардонлик тугаб, охир йилгилмишлар.

Умрларнинг сўз йўлида сарфи шунда,
Шавкат Раҳмон шунда, Рауф Парфи шунда.

Омон Матжон шеър айтганда — шеър эндиدير,
Ҳар тахмиси — шеърятнинг “бренд”идир.

Ғазал айтса Матназар ўз шевасинда,
Садо бергай шу он Гурлан, Хивасинда.

Сурхонлардан келмиш, мана, Тоғай Мурод,
Элин суйганларга Ўзи бергай мурод!

Эгатлардан ўсиб чиққан болаларим,
Бу — отамдан қолган менинг далаларим.

Миллат деган сўзлар асло сўлмас, ака,
Адабиёт ўлмас экан, ўлмас ака!

Ўткир ака, бу хушбабар сизга доир:
Баҳор қайтиди! Баҳор қайтиб келди охир!

Неча Ойдин, Ҳалималар, жонажонлар,
Бу кунларга етганлар бор, онажонлар.

Барча орзу-умидингиз қароргоҳи,
Сайр айлангиз бунда кезиб гоҳи-гоҳи.

Ва буларнинг барчасини кўриб туриб,
Сўз бўстони аро озоқ ўйлар суриб,

Барчага шод салом бериб, олар алик,
“Шайтанат” ҳам битди дебон Тохир Малик.

Токи ҳаёт абадийдир, адаб ва ёд,
Адабиёт абадийдир, Адабиёт!

Бу бўстонга бериб сайқал ишламоқда,
Ҳар бир сиймо, ҳар бир ҳайкал ишламоқда.

VI

Ўз-ўзидан бино бўлмас замон қасри,
Замон қасри — асрий орзу-армон қасри.

Юрт эгасини ҳимматидан бунёд бўлган,
Армони ҳам ниятидан бунёд бўлган —

Ҳар ҳайкалнинг қошида — бир дорилфунун,
Адабиёт — ёшлик, сурур, сеҳру жунун.

Унутмангки, Адабиёт — ору номуи,
Бу кунларнинг ҳар лаҳзаси — бу бир қомуи.

Сиз айтган ҳар шеърнинг тожу давлати бор,
Асрларга етар меҳру шафқати бор.

Кўрганмикан бундай замон дориламон,
Ҳайкалларнинг ҳар бири — бир давру замон.

Билим деса, ҳам қарзу ҳам фарз олингиз,
Ҳар устоздан дарс олингиз, дарс олингиз!

Ишласин деб эзгу орзу-матлабларга,
Миллион-миллион китоб кетар мактабларга.

Айтсам яна бир муҳташам робитани —
Юз устулик буюк туркий обидани !

Өврупою Осие — якқалам аро,
Өвөзөдир етти иқлим олам аро.

Бу ён ўзбек юрти, у ён — мажорғача,
Турк диёри, қирғиз, қозоқ, озарғача —

Таҳсин айтар бу ғоянинг саркорига,
Сабабкори, муаллифи, меъморига.

Бу юз жылдик — уйғоқ, бедор тарбиятдир,
Жаҳолатга қарши — ҳушёр маърифатдир.

Бу маърифат қарвонидир — мангу равон,
Бу қарвондан қолганларга боқмас замон.

Сафингизда қанча олов, ўт, ёлқинлар,
Қанча янги тугёнлар бор ва тошқинлар.

Укам, синглим, қалбинг ёниқ, ўтлуғ бўлсин,
Сизга шундай давру замон қутлуғ бўлсин!

Сабоқ олмоқ, илм олмоқ гўзал ишдир,
Ҳар сабоғу ҳар дарсингиз — битта гиштдир.

Шу боис ҳам шамоллардан шитоб ўқинг,
Китоб ўқинг, кеча-кундуз китоб ўқинг!

Мозийдаги зил соғинчлар тарқаб кетар,
Юлдузлар ҳам кўзингиздай чақнаб кетар.

Нафис мажлисларнинг уйғоқ фикратидан,
Улуғ зотлар меҳнатни заҳматидан —

Бу эл-юртлар шундай гулшан макон бўлди,
Замон янги замон бўлди, замон бўлди!

Бу дунёда — бир томондан нураш кетар,
Бир томондан — кураш кетар, кураш кетар.

Одамзодни йўлдан урар қад одамзод,
Адабиёт одам қилар, Адабиёт!

Бирлашасан биз — бир қудратли жон ва танмиз,
Биргалашасан — биз энгилмас бир Ватанмиз!

Асрларга мисли хитоб ишламоқда,
Сиз ўқиган ҳар бир китоб ишламоқда.

VII

Эл тиклаган бу матонат кўргонини
Кўриб, дилдан битдик қадр дostonини.

Гар дунёга сайру гаштлар айлаб келдик,
Бу кунларга йиллаб келдик, оилаб келдик.

Бу кунларга етмайин, сўз кўйида хор,
Тош кемириб ўтган не-не инсонлар бор.

Бўғотларда хотиралар қишламоқда,
Устозларнинг ному ёди ишламоқда.

Эҳтиёж бор — татигувчи асрларга,
Юксак, баланд бинолардай — асарларга.

Ҳар иморат — келажакка қақирқидир,
Бу замондан замонларга ҳайқирқидир.

Инсонлар бор, қалблари қум, саҳро каби,
Замондошим, кел яшайлик дарё каби!

Абадий ёд эрур бағри қуюқ Ватан,
Буюк Ватан, Адабиёт — буюк Ватан.

Тупроғидан, япроғидан қарздормиз,
Бугдойи ҳам чаногидан қарздормиз.

Номин битсак, дилу жондан, жон ва тандан,
Қарздормиз биз абадий шу Ватандан.

Хаёл каби учқур бу вақт, шитоб айланг,
Тарихий бу лаҳзаларни китоб айланг.

То инсондай хизмат қилсин ҳар бир китоб,
Ҳар бир китоб меҳнат қилсин, ҳар бир китоб.

Айланар Ер кеча-кундуз, қавну макон,
Давру замон ишламоқда, давру замон.

Дастхат қўйинг абадият деворига:
Шараф бўлсин шу замоннинг Меъморига!

¹Ўзбекистонда нашр этилган 100 эсидлик
“Туркий адабиёт дурдоналари” назарда тутилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган
ташкilot жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1.
8843 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй